

ЎРТА АСР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ МУСИҚА САНЪАТИДАН ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА ФОЙДАЛАНИШИ

Балтаниязов Сарсенбай Айтмуратович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Нукус филиали профессори

Аннотация: Мазкур мақолада ўрта асир шарқ алломаларининг мусиқа ёрдамида хасталикларни даволаш борасида қарашлари келтирилган. Хусусан муаллиф Ибн Синонинг табобатда мусиқанинг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақидаги фикрларини тадқики этган. Шу билан биргаликда бошқа халқларнинг ҳам мусиқий даволашга доир қарашлари келтирилган.

Калит сузлар: табобат, мусиқа, оҳан, руҳий таъсир, аллома, шифо, анъана, куй-қўшиқ.

Аннотация: В этом статье дано взгляды мыслителей востока в средневековье, которые упомянули про лечение с помощью музыки. В особенности автор исследовал мнение Ибн Сино про роль и важность музыки в лечении. Вместе с этим приведено взгляды других народов лечение болезней с помощю музыки.

Ключевые слова: Медицина, музыка, тон, душевное воздействие, мыслитель, лечения, традиция, песня.

Summary: In this article eastern mentioned about the ideas that eastern scholars treated different illnesses with the help of music. Precisely the author investigated Ibn Sino's opinions about the role and importance of music in medicine. Besides there was mentioned the ideas of other nations related to musical treatment.

Key words: medicine, music, scholar, tradition, harmony, emotional, recovery, melody song.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон этиб тарбиялашда, ҳеш шубҳасиз, тарихий хотира, маданият, маърифат, буюк алломларимизниң илмий мероси ҳал қилувчи роль уйнайди. Шу боис мустақиллик даврида буюк аждодларимизниң ҳаёти ва бебаҳо меросини ўрганиш, қадамжоларини обод этиш ва асраб–авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди, миллий маънавиятимиз ривожланиб бормақта.

Буюк алломаларнинг таъкидланишича, мусиқанинг вазмин ёки шўхлиги ҳам инсон кайфиятига ўз таъсирини кўрсатади. Танани мусиқа билан даволаш бобокалонимиз Абу Али Иби Сино даврида ёқ амалиётда синааб кўрилган. Руҳ ва танани даволаш бир-бирига мутаносиб тарзда олиб борилган. Ёқимли куйни эшитган киши оғриғини унутган. Тузалиш жараёни тезлашган.

Шарқ табобатида табиблар беморларни доривор гиёҳлар, ҳайвон аъзолари, турли минераллар ҳамда шифобахш сувлар, тузлар билан даволаш усулларидан кенг фойдаланганлар. Табиблар даво ашёларининг табиийлиги, заарасизлиги ҳамда бошқа хасталикларни қўзғамаслиги каби холатларга катта эътибор қаратишган. Лекин, инсонда жисмоний касалликлар билан бир қаторда руҳий, ақлий хасталиклар ҳам кузатиладики, бундай касалликларни даволашда шарқ табобати вакиллари мусиқадан кенг фойдаланганлар. Қадим замонлардан бери табиблар беморларни мусиқа, ашула, рақс воситаларида даволаб келганлар. Бундай усул нафақат бизда балки, барча халқлар табобатида мавжуд. Масалан, қадимги Миср табиблари беморларни оҳанг кўмагида даволаш бўйича яхшигина натижаларга эришишган. Хитойлик табиблар эса беморнинг касаллигига қараб уларга мусиқий терапиянинг ягона дориси - куй-кўшиқларнинг фойдалисини тавсия қилишган [6]. Шу ўринда қайд этиш жоизки, хар бир миллатнинг Дуне қарashi, менталетити, диний ва аҳлоқий қадрятлари ҳамда хўжалик турмуш тарзи асосида узининг миллий мусиқаси шаклланади.

Абу Али ибн Сино ўзининг (Китоб уш-шифо) асарида бир бобни мусиқа билан даволаш масалаларига бағищланган. Ушбу асарда у шундай ёзади. (Муқаммал одам бўлиш учун табиб бўлиш керек. Агар табиб назмни билмаса, мусиқа ва санъатни тушинмаса, у табиб бўла олмайди. Мусиқа инсонга маънавий-руҳий озуқа эниргия беради. Ундаги руҳий безовталик ва зуриқиши йўқотади. Салқин ва қоронги хонода ҳар куни ярим соат майин мусиқа тинглаш, замонавий тиббиёт тили билан айтганда, қондаги стресс чақиравчи кортизол гормонини пасайтиради. Мусиқа тинглаш жараёнида қўз юмилиб, бир маромда енгил нафас олинса, бунинг таъсири бушаштирувчи массаждан ҳам кучлироқ бўлади. Бугунги кунда фанда, хусусан тиббиёт соҳасида (Мусиқий терапия) деган йўналиш бежизга пайдо бўлмаган. Мутахассислар ҳатто инсульт туфайли тилдан қолган беморларни мусиқа воситасида даволашмокда. Баъзан миянинг соғлом қисмлари шикаст топган қисмларига бадал бўлади-ю, гўнг қолган одам куйлай бошлайди.

Ибн Сино табобатда мусиқадан фойдаланишга дойр қарашларини “Тиб қонунлари”, “Китоб аш-шифо” каби асаларида илгари сурган. Жумладан: “болани мижозини кучайтиromoқ учун икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани охиста тебратиш, иккинчиси, уни ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисига қараб боланинг танаси билан бадантарбияга, руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади”-дейди [9].

Аллома инсоннинг юрак уриши (пульс)ни, уд чолғусини созлаш билан қиёслаб ургатган [2:138]. Пульснинг мусиқа тембри ва ритмига мослигига қўйидагича изоҳ бериб ўтган: «Сен шуни яхши билишинг керакки, пульсада табиий нозик мусиқий оҳанг мужассам. Мусиқа санъатидаги товушлар

қўшилмаси, касалликнинг ўткир даври ва оғирлик даражаси мутаносиблигини акс эттиради ва бу ритмлар орасидаги вақтни белгилайди» [5:109]. «Китоб ашшифо» асарининг мусиқага бағишлиланган қисмида ҳам бу хусусда сўз юритилиб, «Сезги аъзоларига таъсир қиласиган нарсалардан бири товуш бўлиб, у ўзига хос ёқимлилиги билан ажралиб туради. Инсон қалби ҳар бир ёқимли нағмадан ором олади»- дейилади ҳамда бемор ўз характеридан келиб чиқиб ўзига мос мусиқа ва охангни танлаши кераклиги уқдиради. Демак, биз мусиқа эшишишганимизда барча тана аъзоларимизда ва рухиятимизда ўзгариш юз беради ва мусиқанинг рух ва танага мос тушиши хасталиклардан фориғ этади. Ибн Сино ўз даврининг етук табиби бўлиш билан биргаликда мусиқий билимдан ҳам яхшигина хабардор бўлганлигини унинг асарларини муроала қилиш орқали билишмиз мумкин. Аллома мусиқани табобатга нафақат даво усули сифатида тадбиқ қилди, балки айrim тиббий жараёнларни бошқаларга тушунтириш учун ҳам мусиқий билимлардан кенг фойдаланган.

Тарихий фактлар тасдигига кўра, Гиппограт мусиқа ёрдамида тутқаноқ ва уйқусизлик касаллигини даволаган экан. Қадимги Рим табиби Гален эса илон бошқа заҳарли ҳайвонлар чаққан беморларни даволашда мусиқадан заҳарга қарши восита сифатида фойдаланганлиги таъкидланган. Шунингдек қадимги Мисрда мусиқа садолари остида тугруқ қабул килинган. Қадимги Ҳиндистонда эса жанг майдонида ортирилган жароҳатларни мусиқа билан даволаш одати бўлган.

Мусиқанинг инсонга нафақат эстетик завқ бағишлиши, балки руҳий ҳолатга таъсирини ҳам очиб беришга ҳаракат қилган алломалардан бири Ал-Киндий эди. Унинг фикрича, мусиқа инсон рухиятига таъсир қилувчи дори воситасидир. Манбаларда Ал-Киндий бир савдогарнинг шол бўлиб қолган ўғлини уд асбобидан таралған куй орқали муолажа қилгани ҳақида маълумотлар учрайди [8]. Иккинчи манбада Дарвеш Али Чангийни чанг асбоби мусиқаси билан беморни даволагани келтирилган [10].

Ўрта асрларда яшаб ўтган яна бир аллома Алишер Навоий (1441-1501) ўзининг «Мажолисун нафоис» асарида мусиқанинг ва санъатнинг жонбахш, шифобахш ва оромбахш таъсири очиб берган. Унинг ўзи ҳам бевосита мусиқа илмидан боҳабар бўлиб, мусиқанинг инсон онги ва рухиятига бўлган таъсирини яхши анлаган. Абдурауф Фитрат ўзининг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китобида Навоийнинг мусиқа илмини Хожа Юсуф Бурхон исмли таниқли мусиқашунос олимдан ўрганганлиги, мусиқа назарияси ва амалиётини яхши билганлигини ёзди [4]. Навоий инсон ҳаётида мусиқани ўрни ва унинг таъсири каби масалаларга катта урғу беради. Мусиқа ва тиб илмидан хабари бўлган аллома инсонларни даволашда куй ва охангнинг ўрни беқиёс эканлигини асарларида кўришимиз мумкин.

Навоий устози Абдурахмон Жомийдан (1414 - 1492) мусиқа ҳақида асар ёзишни илтимос қилган. Шундан сўнг Жомий “Рисолаи мусикий” асарини яратган. Асарда аллома мусиқага инсон ва табиат ўртасидаги бирликни белгиловчи омил деб қарайди ва асарнинг сўнгида халқимизнинг бунж мероси “Шашмақом”нинг инсон рӯҳиятига бўлган таъсирига тўхталиб ўтган [7]. Унга кўра “Шашмақом”даги ҳар бир мақом инсоннинг жисмоний (шижоат, кувват, кўч) ва руҳий (шавқ, хазинлик) ҳолатини мутаносиблиқда ушлайди. Бу эса тана ва руҳ саломатлигига бевосита таъсир ўтказади.

Шарқ алломалари ўз қарашларида мусиқани инсонларнинг руҳий дунёси ҳамда маънавий қиёфасини даволаш омили сифатида илгари суришган. Шарқ табобатида хасталиклар йирик икки гуруҳга ажратилади: руҳий ва ақлий хасталиклар ҳамда жисмоний касалликлар. Шарқ алломалари хатто жисмоний хасталикларни даволашда ҳам бирламчи ҳаракат сифатида bemornining руҳий оламини тузатиш зарур дейишган.

Бугунги қунда замонавий тиббиётда нафақат руҳий касалликлар балки мураккаб жаррохликларни амалга оширишда ҳам мусиқадан фойдаланилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида “мусиқий терапея” курслари ташкил қилинган. Демак ўрта аср Шарқ алломалар ўз изланишларида мусиқанинг шифо хусусиятлари ҳамда инсон рӯҳиятини даволашда беназир манба эканлигини ҳақида қимматли маълумотларни қўлга киритганлар. Бугунги қунда эса бу қарашлар нафақат жаҳон мусиқаси ютуғи, балки шарқ табобати анъаналарининг ўзига хос тизими сифатида дунё маданиятида ўз ўрнига эга булди.

Фойдаланилган адабётлар

1. Феруза Аскар. Мусиқа ва инсон маънавияти. Тошкент 2000 й.
2. Ҳамидов X. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1996 й.
3. Юлдашева С.Х. Ўзбекистонда мусиқа тарбияси ва таълим мининг ривожланиши. Тошкент, Ўқитувчи, 1979 й.
4. Aitmuratovich B.S. THE ROLE OF MUSICAL HERITAGE IN THE DEVELOPMENT OF CREATIVE ABILITIES //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 1. – С. 282-284.
5. Aitmuratovich B.S. WISE TO USE THE MUSICAL ART OF THE MEDIEVAL ORIENTAL SCIENTISTS //INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429. – 2022. – Т. 11. – №. 01. – С. 155-157.
6. Aytmuratovich B.S. FROM THE HISTORY OF KARAKALPAK JIRAW AND BAKSI //INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE &

INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429. – 2022.
– Т. 11. – №. 01. – С. 115-117.

7. Балтаниязов С.А. ДЭСТАНДЫ ДРАМАГА АЙЛАНДЫРЫЎ ДЭСТУРИ //ТАРАЗ МЕМЛЕКЕТТИК ПЕДАГОГИКАЛЫҚ УНИВЕРСИТЕТИНІҢ ХАБАРШЫСЫ. – С. 131.

8. Балтаниязов С.А. РОЛЬ И РАЗВИТИЕ СЛУХА //Ученый XXI века. – 2022. – №. 1 (82). – С. 32-35.

9. С.А.Балтаниязов. Головной и грудной резонаторы. O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti xabarlari. 2023. №2. -С. 17-20.

10. С.А.Балтаниязов. Мәжбүрий даўыс. O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti Nukus filiali San’at va madaniyat axborotnomasi ilmiy-uslubiy jurnali. 2023. №1. -С. 12-14.